

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

УРОКОВ АСЛИДИН ХУШВАКТОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИНИ ЙЎЛГА ОИД
ТУМАНЛАШТИРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

**05.09.02 - Асослар, пойдеворлар ва ер ости иншоотлари.
Кўприклар ва транспорт тоннеллари. Йўллар, метрополитенлар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020 йил

**Техника фанлари доктори (DSc)
диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of dissertation abstract of doctor of sciences (DSc)**

Уроков Аслидин Хушвактович

Ўзбекистон Республикаси ҳудудини йўлга оид туманлаштиришнинг методологик асослари..... 3

Уроков Аслидин Хушвактович

Методологические основы дорожного районирования территории Республики Узбекистан 27

Urokov Aslidin Khushvaktovich

Road zoning methodological foundation of the territory of Uzbekistan..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 57

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

УРОКОВ АСЛИДИН ХУШВАКТОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИНИ ЙЎЛГА ОИД
ТУМАНЛАШТИРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

**05.09.02 - Асослар, пойдеворлар ва ер ости иншоотлари.
Кўприклар ва транспорт тоннеллари. Йўллар, метрополитенлар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/T363 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат транспорт университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tashiit.uz) ва "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Садиков Ибрагим Салихович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юлдашев Шарафитдин Сайфитдинович
техника фанлари доктори, профессор

Джаббаров Сандурхан Тулаганович
техника фанлари доктори, профессор

Расулов Рустам Хаятович
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат транспорт университети хузуридаги DSc.18/30.12.2019.T.09.01 рақамли илмий кенгашининг 2020 йил "18" декабрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100167, Тошкент, Одилхўжаев кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99871) 293-57-54, tashiit_rektorat@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат транспорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (018 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100067, Тошкент ш., Одилхўжаев кўчаси, 1 уй. Тел.: (99871) 293-57-54

Диссертация автореферати 2020 йил "30" ноябрь кuni тарқатилди.

(2020 йил "18" ноябрь даги 6 рақамли реестр баённомаси).



А.А. Рискулов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Р.А. Абдурахманов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, PhD, доцент

А.А. Ишанходжаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

Кириш (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам автомобиль йўллари мамлакатнинг муҳим бойлиги бўлиб, Республика иқтисодиётининг таянчи ва уни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда 98% га яқин йўловчилар ва 88% дан кўпроқ юклар автомобиль йўллари орқали ташилмоқда. Европа ва Осиё йўл тармоғига ташқи интеграциялашган ва вилоятлар оралиғида ички бириккан автомобиль йўллари тармоғини ташкил қилиш, республика иқтисодиёт тармоқларини, бизнесни ва туризмни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Республикани ривожлантиришнинг бугунги асосий устувор йўналишларидан бири автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштириш, уларнинг сифат кўрстакларини ошириш ҳисобланади. Бугунги кунда автомобиль йўлларининг хизмат муддатини ошириш, бунинг учун йўл тузилмаларида инновацион йўл қурилиш материалларини жорий этиш ва қурилиш технологияларини такомиллаштириш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Ушбу масалалар “2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасининг автомобиль йўлларини ривожлантириш стратегияси” асосини ташкил қилади.

2030 йилгача автомобиль йўлларини ривожлантириш стратегиясини амалга оширишда мавжуд автомобиль йўллари тармоғининг реконструкция ва таъмирга муҳтож бўлақларини аниқлаш ва йўлларнинг транспорт-эксплуатацион сифатларини ошириш, автомобиллар ҳаракат қулайлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, автомобиль йўлларини лойиҳалаш ечимлари ишончлилигини ошириш, қуриш ва эксплуатация қилиш ишлари сифатини таъминлаш, ҳамда йўлларни сақлаш ишларини оқилона ташкил қилиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бу вазифаларнинг ечими йўл маълумотларини тизимлаштиришнинг энг самарали услуби бўлган – йўлга оид туманлаштиришнинг методологик асосларини такомиллаштиришни талаб қилади. Йўлга оид туманлаштириш методологиясини такомиллаштириш натижасида йўл муҳандислигида йиллик иқтисодий самара бир йилда 1 км йўл бўлагидан 358 млн. сўмни ташкил қилади.

Ушбу йўналишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон “Мамлакатни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясининг 4-устувор “Ижтимоий соҳани ривожлантириш” йўналишида” тўғрисидаги ва ПФ-5890-сон “Ўзбекистон Республикаси йўл хўжалиги тизимини чуқур ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонларида, ПҚ-3262-сон “Автомобиль йўлларини кўкаламзорлаштириш ва архитектура-ландшафт конструкциялаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, ПҚ-4035-сон “Автомобиль йўлларини қуриш ва улардан фойдаланиш соҳасида ишларни ташкил этишнинг илғор хорижий услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва ПҚ-4545-сон “Йўл соҳасини бошқариш

тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларида ўз аксини топган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг автомобиль йўллари соҳасини ривожлантириш тўғрисидаги фармон ва қарорларида қўйилган вазифалар ижросига бағишланган, ҳамда ИТД-3 Энергетика, энергия-ресурстежамкорлик, транспорт, машина ва асбобсозлик бўйича А-3-54 “Ўзбекистон автомобиль йўлларида равон ҳаракатланиш учун автомобиль осма қисмининг параметрлари ва тавсифини танлаш” давлат илмий-техник лойиҳаси, 1-04/2018 “Автомобиль йўллари кўкаламзорлаштириш ва архитектура-ландшафт конструкциялаш, ободонлаштириш тизимини лойиҳалаш, уларни ташкил этиш ва сақлаш” бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқиш соҳа буюртмаси ҳамда “Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида консултация хизмати (Loan 2772-UZB) Осиё ривожланиш ва тараққиёт банки лойиҳаси доирасида бажарилди.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.

Япония, Германия, АҚШ, Канада, Англия, Россия ва бошқа ривожланган мамлакатлар илмий-тадқиқот институтлари томонидан маълумотларни тизимлаштиришда ва табиий-иқлим омилларининг таъсирини ҳисобга олишда туманлаштириш методларини қўллашган. Ушбу тадқиқотларда грунтлар ва йўл қурилиш материалларининг ҳудудий тарқалишини ва йўл пойи намлигининг ўзгаришини ҳисобга олиш учун йўл-иқлим туманлаштиришдан фойдаланишган. Йўлга оид туманлаштириш бугунги кунгача йўл илмида энг кам ўрганилган йўналиш ҳисобланади.

Йўл-иқлим ва йўлга оид туманлаштириш бўйича бажарилган илмий-тадқиқотларни таҳлилий ўрганиш шуни кўрсатадики, бугунгача бажарилган тадқиқотлар локал тавсифга эга бўлиб тизимлаштирилмаган.

Ўзбекистонда автомобиль йўллари соҳасида ишлар сифатини ошириш учун “табиий ҳудудий комплекс-автомобиль йўллари” тизими билан боғлиқ маълумотларни таҳлил қилишда йўлга оид туманлаштириш методларидан фойдаланиш зарурати юқори. Ўзбекистонда йўлга оид туманлаштиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ илмий-тадқиқотлар ўтказилмаган. Бунинг сабаби, Ўзбекистонда йўл-иқлим туманлаштириш тадқиқотлари билан чекланиб қолинган. Шу сабабли, автомобиль йўллари лойиҳа ечимларининг ишончлилигини ошириш, қуриш ишлари сифатини таъминлаш ва самарали эксплуатация қилишни ташкил қилиш мақсадида йўлга оид туманлаштириш методологиясини такомиллаштириш автомобиль йўллари соҳасида муҳим илмий ва амалий муаммолардан бири ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Йўлга оид туманлаштириш соҳасида қуйидаги олимлар илмий-тадқиқот ишларини олиб борганлар: А.В. Гербурт-Гейбович, С.Л. Бастамов, Л.А. Преференсова, С.А. Трескинский, В.М. Сиденко, Н.А. Пузаков, А.П. Васильев, Н.П. Ивлиев, В.П. Расников, М.М. Магомедов, В.Д. Казарновский, Ю.М. Ситников, А.К. Виноградский,

Р.С. Картанбаев, В.А. Давыдов, Н.В. Ишеева, С.С. Близниченко, В.А. Лебедихин, А.Т. Ворку, П.П. Купин, А.И. Ярмолинский, В.Н. Ефременко, В.В. Боровик, В.А. Ярмолинский, I.A. Kuhn, I.L. Goggin. Ўзбекистонда бу йўналиш бўйича Н. Илёсов, А.Ф. Шахидов, И.С. Садиқов, М.М. Мирахмедов, А.Х. Уроков, Ж.И. Содиқов ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Ушбу тадқиқотлар асосан йўл-иқлим туманлаштириш бўйича олиб борилган, йўл-иқлим туманлаштириш бугунги кунда автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилишда сифат талабига жавоб бермаслиги мутахассислар томонидан қайд қилинган. Бугунги кунда йўл-иқлим туманлаштиришдан йўлга оид туманлаштиришга ўтиш зарурлиги йўл соҳаси олимлари томонидан эътироф этилган. Йўлга оид туманлаштириш йўналишида тадқиқотлар олиб бориш ҳозирда йўл муҳандислигида мавжуд бўлган муаммолар ечимини таъминлашдаги устивор вазифалардан ҳисобланади.

Ушбу устивор вазифалар доирасида Ўзбекистон Республикаси табиий-иқлим шароити, рельеф, йўл шароити ва транспорт оқими ҳолатини ҳисобга олган ҳолда йўлга оид туманлаштириш методларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотларни олиб боришни белгилаб олдик.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти “Автомобиль йўллари қуриш ва эксплуатация қилиш” кафедрасида олиб борилган “Ўзбекистон шароитида автомобиль йўллари қуриш ва эксплуатация қилишнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилиш” (2017-2020 йй) мавзусидаги илмий-тадқиқот ишларининг бир қисми ҳисобланади, шунингдек, “Автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлиги”, “Йўл шароити ва ҳаракат хавфсизлиги”, “Автомобиль йўллари ободонлаштириш ва жиҳозлаш”, “Автомобиль йўллари таъмирлаш ва сақлаш технологиялари” фанларидан дарсликларга, “Автомобиль йўллари кўкаламзорлаштириш усуллари” фанидан ўқув қўлланмасига ва кафедрада ўқитилган фанлардан ўқув-услубий мажмуаларни ишлаб чиқишда жорий этилган.

Тадқиқотнинг мақсади: табиий-иқлим шароити, рельеф, йўл шароити ва транспорт оқими ҳолати бўйича маълумотларни тизимлаштириш асосида автомобиль йўллари лойиҳа ечимлари ишончилиги ва қурилиш сифатини ошириш ҳамда эксплуатация қилишни самарали ташкил этиш мақсадида йўлга оид туманлаштиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

йўлга оид туманлаштиришнинг мавжуд методологиясини таҳлил қилиш ва унга тизимли ёндашиш;

ҳаракат шароитини баҳолашга тизимли ёндашиш;

автомобиль йўллари тармоғининг сифат кўрсаткичларини баҳолаш методологиясини ишлаб чиқиш;

ҳаракат шароитига ҳаво-иқлим омилларининг таъсирини тадқиқ этиш ва автомобиллар ҳаракат шароити бўйича йўлга оид туманлаштириш;

йўл-иқлим туманлаштириш методологиясини такомиллаштириш;

автомобиль йўллари таъмирлаш ва сақлаш ишларини самарали ташкил этиш мақсадида йўлга оид туманлаштириш;

автомобиль йўллари кўкаламзорлаштириш бўйича йўлга оид туманлаштириш;

автомобиль йўллари лойиҳа ечимлари ишончилиги ва қурилиш сифатини ошириш, ҳамда эксплуатация қилишни самарали ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган автомобиль йўллари тармоғи олинди.

Тадқиқотнинг предмети - автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш шароитлари бўйича йўлга оид туманлаштириш методологияси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида назарий ва экспериментал тадқиқот, йўлга оид туманлаштириш методларидан, тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш, математик моделлаштириш ва эҳтимоллик назариясидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳаракат шароитини “автомобиль-йўл-транспорт оқими-ҳаво-иқлим шароити” комплексидан келиб чиқиб баҳолаш тизими яратилган;

транспорт оқими максимал тезлигининг ҳаракат жадаллиги ва таркиби, ҳамда оқим зичлигидан келиб чиқиб ўзгариш қонуниятлари аниқланган;

автомобиль йўллари тармоғининг сифатини автомобилларнинг манзилга етиб бориш интеграл имконияти орқали баҳолаш методи яратилган;

ҳаракат шароитини транспорт оқими ҳолати, йўл ва ҳаво-иқлим шароитларидан келиб чиқиб баҳолаш методи яратилган;

автомобиллар ҳаракат шароити бўйича йўлга оид туманлаштириш методи ишлаб чиқилган;

йўл-иқлим туманлаштириш методологияси табиий-иқлим шароити, рельеф, йўл шароити ва транспорт оқими ҳолатини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳаракат жадаллиги ва таркиби ҳамда оқим зичлигидан келиб чиқиб транспорт оқимининг максимал тезлигини аниқлаш қонуниятларидан автомобиль йўлларида ҳаракат тезлигини, ҳамда қулайлиги ва комфортабеллигини баҳолашда фойдаланилади;

автомобиль йўллари тармоғининг сифатини автомобилларнинг манзилга етиб бориш интеграл имконияти орқали баҳолаш методи йўл тармоғининг ишончилигини ва сифатини баҳолашда қўлланилади;

автомобиллар ҳаракат шароитини транспорт оқимининг ҳолати, йўл ва ҳаво-иқлим шароитларидан келиб чиқиб баҳолаш методидан ҳаракат

шароитининг қулайлик, хавфсизлик ва тежамкорлик даражаларини баҳолашда фойдаланилади;

йўлга оид туманлаштиришнинг яратилган методологик асослари автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш шароитларини баҳолаш ва уларни яхшилашда қўлланилади;

йўл тармоғининг салмоқдорлик коэффициенти ва ҳаракат хавфсизлиги бўйича йўлга оид туманлаштириш методи автомобиль йўлларида ҳаракат шароитининг хавфлилик даражасини баҳолашда қўлланилади;

туманлаштириш хариталаридан фойдаланиб, йўлларнинг транспорт-эксплуатацион сифатларини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади ҳамда автомобиль йўллари сақлаш ишларига талаб қилинадиган молиявий ресурслар оқилона тақсимланади;

автомобиль йўллари кўкаламзорлаштириш бўйича йўлга оид туманлаштириш харитасидан фойдаланиб йўлларни кўкаламзорлаштириш бўйича ишлар самарали ташкил этилади ҳамда иқтисодий самарадорлиги оширилади;

йўлга оид туманлаштириш хариталаридан фойдаланиб автомобиль йўлларининг лойиҳа ечимлари ишончилиги ва қурилиш сифати оширилади, ҳамда эксплуатация қилиш самарали ташкил этилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тажриба маълумотлари ва назарий ҳисоб-китоблар натижалари бўйича олинган натижаларнинг қониқарли мос келиши билан тасдиқланган; йўлга оид туманлаштиришнинг такомиллаштирилган методологияси ва математик моделларнинг мос келиши билан тасдиқланган; тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган даврий журналларда чоп этилган, халқаро ва миллий илмий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Автомобиллар ҳаракат шароитини комплекс баҳолаш услубидан ҳаракат шароитининг қулайлик, хавфсизлик ва тежамкорлик даражаларини баҳолашда фойдаланилади. Йўлга оид туманлаштиришнинг таклиф этилган услуби йўллардан фойдаланиш шароитларни баҳолашда қўлланилади. Туманлаштириш харитасидан фойдаланиб, йўллардан самарали фойдаланиш ва транспорт-эксплуатацион сифатларни ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади ҳамда автомобиль йўллари сақлаш ишларига талаб қилинадиган молиявий ресурслар оқилона тақсимланади. Автомобиль йўллари тармоғи сифатини автомобилларнинг манзилга етиб бориш интеграл имконияти орқали баҳолаш услуби йўл тармоғи сифати ва салмоқдорлигини баҳолашда қўлланилади. Автомобиль йўллари таъмирлаш ва сақлаш ишларни самарали ташкил этиш мақсадида йўл ишлари сифатини ва самарадорлигини ошириш учун йўлга оид туманлаштириш услуби қўлланилади. Автомобиль йўллари кўкаламзорлаштириш бўйича йўлга оид туманлаштириш харитасидан фойдаланиб йўл кўкаламзорлаштириш ишлари самарали ташкил этилади ва самарадорлиги оширилади. Йўлга оид туманлаштириш хариталаридан фойдаланиб автомобиль йўллари лойиҳа ечимлари

ишончилиги ва қурилиш сифати оширилади, ҳамда эксплуатация қилиш самарали ташкил этилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси ҳудудини йўлга оид туманлаштириш асослари бўйича олиб борилган тадқиқот натижалар асосида:

ҳаракат шароитини “автомобиль-йўл-транспорт оқими-ҳаво-иқлим шароити” комплексидан келиб чиқиб баҳолашнинг яратилган тизими Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасига қарашли корхоналарда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари Қўмитасининг 2020 йил 26 октябрдаги 03/3440-5625-сон маълумотномаси). Натижада, соҳа меъёрий ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб қайта ишлаб чиқилган;

транспорт оқими максимал тезлигининг ҳаракат жадаллиги ва таркиби, ҳамда оқим зичлигидан келиб чиқиб аниқланган ўзгариш қонуниятлари Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасига қарашли корхоналарда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари Қўмитасининг 2020 йил 26 октябрдаги 03/3440-5625-сон маълумотномаси). Натижада, соҳа меъёрий ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб қайта ишлаб чиқилган. Бунинг натижасида транспорт оқими ҳаракат тезлигини ўртача 14-15 км/соатгача оширишга эришилган;

автомобиль йўллари тармоғининг сифатини автомобилларнинг манзилга етиб бориш интеграл имконияти орқали баҳолаш методи Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасига қарашли корхоналарда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари Қўмитасининг 2020 йил 26 октябрдаги 03/3440-5625-сон маълумотномаси). Натижада соҳа меъёрий ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб қайта ишлаб чиқилган. Бунинг натижасида йўл тармоғининг транспорт-эксплуатацион сифатларини оширилишига ва йиллик транспорт харажатларини 18-22 % га иқтисод қилинишига эришилган;

ҳаракат шароитини транспорт оқими ҳолати, йўл ва ҳаво-иқлим шароитларидан келиб чиқиб баҳолаш методи Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасига қарашли корхоналарда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари Қўмитасининг 2020 йил 26 октябрдаги 03/3440-5625-сон маълумотномаси). Натижада, соҳа меъёрий ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб қайта ишлаб чиқилган;

автомобиллар ҳаракат шароити бўйича йўлга оид туманлаштириш методи Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасига қарашли корхоналарда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари Қўмитасининг 2020 йил 26 октябрдаги 03/3440-5625-сон

маълумотномаси). Натижада, соҳа меъёрий ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб қайта ишлаб чиқилган;

йўл-иқлим туманлаштиришнинг табиий-иқлим шароити, рельеф, йўл шароити ва транспорт оқими ҳолатини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган методологияси Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасига қарашли корхоналарда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари Қўмитасининг 2020 йил 26 октябрдаги 03/3440-5625-сон маълумотномаси). Натижада, соҳа меъёрий ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб қайта ишлаб чиқилган. Бунинг натижасида автомобиль йўлларининг хизмат муддатини 20 % гача оширилишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 14 та халқаро илмий-техник анжуманларда ва 27 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзусида 83 дан ортиқ илмий мақолалар chop этилган, шу жумладан, 4 та халқаро журналларда (шундан 2 та Scopus рўйхатидаги илмий журналларда), 21 та республика илмий журналларидаги илмий мақолаларда, 1 та илмий тўпламда, 2 та монография, 2 та дастурий маҳсулотга муаллифлик гувоҳномаси ҳамда 12 та соҳа меъёрий ҳужжатларида эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 5та боб, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати 203 миллий ва хорижий манбалардан иборат. Диссертация иши 223 бет матн, 39 та жадвал, 84 та расм, 104 бет 35 та иловадан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида автомобиль йўллари тармоғини ривожлантиришнинг муҳимлиги ва танланган мавзунинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари баён этилган, ишнинг илмий жиҳатдан янгилиги ва амалий аҳамияти, тадқиқотлар натижаларининг жорий қилиниши тўғрисида маълумотлар келтирилган. Бугунги кунда, автомобиль йўллари муҳандислигида лойиҳа ечимларининг ишончлилигини, қурилиш ишлари сифатини ва самарали эксплуатация қилишни ҳамда ҳаракат шароитининг қулайлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида йўлга оид туманлаштириш методологик асосларини такомиллаштириш зарурлиги кўрсатилган.

“Йўлга оид туманлаштириш масаласининг ҳолати, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари” деб номланган биринчи бобда муаммонинг моҳияти ва масаланинг замонавий ҳолати, автомобиль йўлларининг муҳандислигида йўлга оид туманлаштиришнинг аҳамияти, республиканинг географик жойлашуви, рельефи ва табиий-иқлим шароитининг ўзига хос хусусиятлари аниқланган.

Бугунги кунда, Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари тармоғининг умумий узунлиги 184 минг км бўлиб, шундан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари 42695 км, ички йўллар 116560 км, идоравий йўллар 24745 км, республика бўйича автомобиль йўллари тармоғининг зичлиги 41 км/100км² ни ташкил қилади. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари тармоғининг ўзига хослиги шундан иборатки, маҳаллий аҳамиятдаги йўллар 51,7%, мукамал қопламали йўллар 52,9%, икки тасмали йўллар 76,4%, IV ва V-тоифали йўллар 63,8% ни ташкил қилади. Ушбу автомобиль йўлларининг кўп ҳолларда йўл тузилмаси эски меъёрий юкламалар (ўққа тушадиган юк 60-100 кН) талаблари асосида лойиҳаланган ва қурилган, лекин бугунги кунда ушбу йўлларда ҳаракат жадаллигининг ўсиши билан оқим таркибида оғир юк автомобилларининг (ўққа тушадиган юк 130 кН) ҳаракатини кузатилиши, йўл тузилмасида турли шаклдаги деформацияларни пайдо қилмоқда ва кўплаб бузилишлар содир бўлишига олиб келмоқда.

Натижада мукамал таъмирлашга бўлган талаб муддатидан олдинроқ юзага келмоқда. Бугунги кунда, республикада таъмирлаш ишларининг ўз муддатида бажарилмаслиги, қурилиш материалларининг талабга жавоб бермаслиги, замонавий технологияларнинг етишмаслиги ва йўлларни сақлаш ишларининг сифатсизлиги каби сабаблар туфайли, “таъмирланмай қолган йўллар” кўпайиб бормоқда ва бу кўрсаткич умумий йўл тармоғининг 69,5% ни ташкил қилади. Бугунги кунда автомобиль йўлларида қулай ва хавфсиз ҳаракат шароитини таъминлаш учун, аввало, йўллардан самарали фойдаланиш технологияларини ишлаб чиқиш талаб этилади.

“Ўзбекистон Республикаси ҳудудини йўлга оид туманлаштиришнинг назарий асослари” деб номланган иккинчи бобда Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий шароитларини ҳисобга олиб йўлга оид туманлаштиришнинг йўналишлари ва тамойиллари, мавжуд методлари ва уларнинг таҳлили, автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш шароити бўйича йўлга оид туманлаштиришга тизимли ёндашиш, автомобиль йўллари тармоғининг сифатини автомобилларнинг манзилга етиб бориш интеграл имконияти орқали баҳолаш ўрганилган.

Йўлга оид туманлаштиришни такомиллаштириш бўйича асосий йўналишлар қуйидагилардан иборат: йўл-иқлим ва йўлга оид туманлаштириш; автомобиль йўлларининг ўқ чизиғини ўтказиш учун йўлга оид туманлаштириш; табиатнинг айрим компонентлари бўйича ҳудудларни йўлга оид туманлаштириш; йўл қурилишининг оқибатларини прогноз қилиш ва баҳолаш билан боғлиқ йўлга оид туманлаштириш. Ушбу йўналишларда йўлга оид туманлаштиришда қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади: комплекслик тамойили; ўзаро таъсир тамойили; мақсад тамойили.

Йўлга оид туманлаштириш ишлари йўл жойлашган ҳудуднинг табиий-иқлим шароитини муҳандислик баҳолаш мақсадида амалга оширилиб, бу йўналиш йўл илмининг мураккаб ва кўп ўрганилмаган соҳаларидан бири ҳисобланади. Туманлаштириш жараёнини ва унинг натижаларини тизимлаш

асосини куйидагилар ташкил қилади: туманлаштириш шароити ва вазифалари, амалий вазифаларга бўлган муносабат, туманлаштириш усуллари, маълумотларни тизимлаш даражаси.

Йўлга оид туманлаштириш ўзаро боғлиқ бўлган икки йўналишга бўлинади: *муҳандислик* ва *табиат муҳофазаси* бўйича туманлаштириш. Муҳандислик ва табиат муҳофазаси бўйича йўлга оид туманлаштириш ишлари *ҳудудий* ва *чизиқли* турларга бўлинади (1-расм).



1-расм. Йўлга оид туманлаштиришнинг тузилиши


Автомобиль йўлларини лойиҳалаш, куриш ва эксплуатация қилиш шароитлари бўйича йўлга оид туманлаштиришда куйидаги методлар қўлланилади: етакчи омил; компонентларни боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш; аломатларни алмаштириш, моделлаштириш.

Автомобиль йўлларини лойиҳалаш, куриш ва эксплуатация қилишда муҳим таъсир кўрсатадиган аломатлар бўйича бир хил ҳудудларни бирлаштирувчи йўлга оид туманлаштиришнинг таксонометрик тизими куйидагича белгиланди: ҳудуд, минтақа, туман, бўлим (йўл ландшафти, микроландшафти).

Ҳаракат шароитини баҳолашнинг мураккаблиги ва унда кўп сонли кўрсаткичларни таҳлил қилиш зарурияти масалага тизимли ёндашишни талаб қилади. “Транспорт оқими ҳолати-йўл шароити-ҳаво-иқлим шароити” комплексини тизимли таҳлил қилиш натижасида, кўрсаткичлар аломатлари

бўйича умумлаштирилди ва автомобиллар ҳаракат шароитини баҳолаш учун қуйидаги баҳолаш мезонлари қабул қилинди (2-расм).

Автомобиллар ҳаракат шароитини баҳолаш мезонлари қуйидагилардан ташкил топади: ҳаракатнинг қулайлик даражаси, ҳаракатнинг хавфсизлик даражаси, ҳаракатнинг тежамкорлик даражаси (2-расм).



2-расм. Ҳаракат шароити ва уни баҳолаш мезонлари тузилиши

Автомобиль йўлларида ҳаракатнинг қулайлиги ва хавфсизлиги йўл тармоғининг сифати ва ишончлилигига боғлиқ. Йўл тармоғи сифати ва ишончлилигини, ҳамда ҳаракат шароитини баҳолаш учун тубдан янги кўрсаткич - автомобилларнинг манзилга етиб бориш интеграл имконияти (МЕБИИ) кўрсаткичи таклиф қилинди. Автомобилларнинг МЕБИИини аниқлаш методининг ўзига хос жиҳати ҳудуд йўл тармоғининг транспорт-эксплуатацион сифатларини баҳолайди. МЕБИИ қуйидаги функция кўринишида ифодаланади:

$$D_{ii} = \iint_{D_i} \iint_{D_i} P(x, y, x', y') q(x, y) q(x', y') dx dy dx' dy' \quad (1)$$

МЕБИИ кўрсаткичи сифатида қўйилган мақсаддан келиб чиқиб йўлдаги ҳаракат вақти олинди. Автомобилларнинг МЕБИИ D манзилга етиб бориш хусусий ташкил этувчиларига D_i асосланган ҳолда қуйидаги функция бўйича ҳисобланади:

$$D = \sum_{i=1}^l P_i q_i \quad (2)$$

Бунда P_i - i тартиб рақамли хусусий ташкил этувчи кўрсаткичи;
 q_i – манзилга етиб бориш интеграл имкониятини берилган хусусий ташкил этувчисининг салмоғи.

МЕБИИ кўрсаткичи сифатида йўлдаги ҳаракат вақтидан фойдаланилди:

$$P_i = t \quad t = \frac{L}{V_a} \left(1 + \frac{\sigma_v^2}{V_a^2} \right), \quad \text{соат}; \quad (3)$$


Бунда t – йўлдаги ҳаракат вақти, соат;

L – жойлар орасидаги масофа, км;

V_a – ҳаракат тезлиги, км/соат;


σ_v – тезликнинг ўртача квадратик оғиши, км/соат.

Ушбу методга асосланган ҳолда автомобилларнинг МЕБИИни моделлаштириш блок-схемаси тузилди (3-расм).




3-расм. Автомобилларнинг МЕБИИни моделлаштириш блок-схемаси

Методни синаш ва йўл тармоғининг транспорт-фойдаланиш сифатларини баҳолаш учун Ўзбекистон Республикасида автомобилларнинг МЕБИИни аниқланди (4-расм). Бу юк ва йўловчиларни ташишнинг иқтисодий ҳаражатларини ва ҳаракат вақтини баҳолашга имкон беради.



“Ўзбекистон Республикаси ҳудудини автомобиллар ҳаракат шароити бўйича йўлга оид туманлаштириш методи” деб номланган учинчи бобда автомобиллар ҳаракат шароитига транспорт оқими, йўл шароити ва ҳаво-иқлим омилларининг таъсири тадқиқ қилинган, автомобиль йўлларида ҳаракат шароитини транспорт оқими ҳолати, йўл ва ҳаво-иқлим шароитларидан келиб чиқиб баҳолаш методи ишлаб чиқилган ва республика ҳудуди автомобиллар ҳаракат шароити бўйича йўлга оид туманлаштирилган.

Автомобиллар ҳаракат шароитини ягона умумий кўрсаткич бўлган транспорт оқимининг максимал ҳаракат тезлиги орқали баҳолаш ҳамма баҳолаш мезонлари талабларига мувофиқ келади. Икки ва тўрт тасмали автомобиль йўлларида олиб борилган тадқиқотлар асосида транспорт оқимининг максимал тезлигини ўзгариш қонуниятлари аниқланди (5-расм).



5-расм. Транспорт оқими ҳолатидаги ўзаро боғлиқликлар

а) икки тасмали автомобиль йўлида; б) тўрт тасмали автомобиль йўлида; 50%, 60%, 70%, 80%, 90%, 100% - ҳаракат таркибидаги енгил автомобиллар фоизи.

Транспорт оқими ҳолатидаги ҳаракат тезлиги ва жадаллиги, ҳаракат тезлиги ва оқим зичлиги боғлиқликлари (5-расмлар) уч ўзгарувчили ($N, V, P_{\text{енг}}$;

$V, q, P_{енг}$) чизикли функция тавсифига эга. Транспорт оқими максимал ҳаракат тезлигининг ҳаракат жадаллигига ва таркибига боғлиқлик қонунияти икки ($N=0÷800$ авт/соат бўлганда) ва тўрт тасмали ($N=0÷1800$ авт/соат бўлганда) йўллар учун қуйидаги регрессия формуласи кўринишига эга бўлади:

$$V_{оқим} = V - (A - B P_{енг}) N + C P_{енг} \quad (4)$$


бунда $V=60$ км/соат, $A=0.028$, $B=0.0002$, $C=0.29$ икки тасмали йўлларда; $V=77$ км/соат, $A=0.024$, $B=0.00016$, $C=0.28$ тўрт тасмали йўлларда; $A=км/авт$, $B=км/авт$, $C=км/соат$; $P_{енг}$ -енгил автомобиллар фоизини ҳисобга олувчи коэффицент; N -ҳаракат жадаллиги, авт/соат.

Ўзаро корреляция коэффицентлари: икки тасмали йўлларда $R^2 = 0,82$, тўрт тасмали йўлларда $R^2 = 0,89$.

Транспорт оқимининг максимал ҳаракат тезлигини аниқлаш формулалари асосида транспорт оқими ҳолати баҳоланди.

Ўзбекистон Республикаси ҳаво-иқлим шароитини тадқиқ қилиш ва унинг автомобиллар ҳаракат шароитига таъсирини баҳолаш мақсадида республика ҳудудида жойлашган 36 та метеорологик шохобчалардан олинган охириги 35 йиллик ҳаво-иқлим маълумотлари асосида ҳаво-иқлим кўрсаткичларининг комплекс графиклари 36 та метеошохобча учун қурилди (6-расм, Сирдарё метеошохобчаси).


Ҳаво-иқлим шароитининг комплекс графикларидан қоплама устки юзасида содир бўладиган мураккаб (қор қатлами, намланиш, яхмалак, микрояхмалак) ҳолатлар, чанг-тўзон ва туман содир бўлиш даври, ёғингарчиликлар каби иқлим омилларининг юзага келиш даври ва уларнинг автомобиллар ҳаракат шароитига таъсири аниқланди.



6-расм. Ҳаво-иқлим шароитининг комплекс графиги

Бунда - қоплама устки юзасида содир бўладиган микрояхмалак (кундузи, тунда, тонгда); - қоплама устки юзасининг намланиши (кундузи, тунда, тонгда); - туманларнинг содир бўлиши (кундузи, тунда, тонгда); - қоплама устки юзасининг чангланиши (кундузи, тунда, тонгда); - қоплама устки юзасида «аквапланирование» ҳодисасининг кузатилиши.

Автомобиллар ҳаракат тезлигига ҳаво-иқлим омилларининг таъсирини баҳолаш мақсадида тўрт тасмали ва икки тасмали автомобиль йўлларида қоплама устки юзасида кузатиладиган ҳар хил мураккаб ҳолатларда ва ноқулай ҳаво-иқлим шароитларида автомобиллар оқими ҳаракат тезлиги ўлчанди ҳамда статистик қайта ишлаш натижасида ҳаракат тезлигининг жамланганлик эгриликлари қурилди (7-расм).



7-расм. Автомобиль йўлида турли ҳаво-иқлим шароитларидаги автомобиллар ҳаракат тезлигининг жамланганлик эгриликлари

а) икки тасмали йўлларда;

б) тўрт тасмали йўлларда

7-расмдан олинган ноқулай ҳаво-иқлим ҳолатларидаги транспорт оқими максимал ҳаракат тезлигини, ҳаракат тезлигининг эталон ҳароратдаги (+20 °C) ҳаракат тезлигига нисбатан пасайиши баҳоланди (1-жадвал).

Ҳар хил шароитда ҳаракат тезликларининг пасайиш коэффициентлари

Йўл шароити	Ҳаво-иқлим шароити							
	+20°C	+27°C	микро яхмалак	ёмғир	чанг- тўзон	қор	яхмала к	тума н
	1	2	3	4	5	6	7	8
2 тасмали йўлда, км/соат	67	65	63,5	58	55	43	37	32
Тезлик пасайиши коэффициенти	1,0	0,97	0,94	0,86	0,82	0,64	0,55	0,47
4 тасмали йўлда, км/соат	87	79	82	77	73	61	56,5	47,5
Тезлик пасайиши коэффициенти	1,0	0,90	0,94	0,88	0,83	0,70	0,64	0,54

Ҳаракат шароитини баҳолашда ҳисобий тезликнинг таъминланганлик коэффициенти кўрсаткичидан фойдаланилди. Автомобиль йўлларида фойдаланишда йилнинг ҳар қайси мавсумида ҳаво-иқлим шароитининг автомобиллар ҳаракат шароитига таъсири $P_{мав}$ кўрсаткичи қуйидагича аниқланади:

$$P_{мав} = ((1 - K_{х.т.м}^{мав}) T_{мав} K_n) / 365 \quad (5)$$

бунда $K_{х.т.м}^{мав}$ - йўлда ҳисобий тезлик таъминланганлигининг мавсумий коэффициенти; $T_{сез}$ - йил мавсумининг давомийлиги, кун; K_n - йил даврларида ҳаракат жадаллигининг нотекислик коэффициенти.

Транспорт оқими ҳолати, йўл ва ҳаво-иқлим шароитларининг автомобиллар ҳаракат шароитига биргаликдаги таъсири кўрсаткичи ($P_{х.ш.}$ коэффициенти) қуйидаги ифодадан аниқланди:

$$P_{х.ш.} = P_{х.иқ.} / K_S \quad (6)$$


бунда $P_{х.иқ.}$ - ҳаво-иқлим шароитининг автомобиллар ҳаракат шароитига таъсири кўрсаткичи, $P_{х.иқ.} = P_{қиш} + P_{баҳ} + P_{ёз} + P_{куз}$ (йил мавсумлари бўйича);

K_S - йўл тармоғининг салмоқдорлик коэффициенти.

Автомобиллар ҳаракат шароитини комплекс баҳолаш натижасида, ҳисобий тезликнинг таъминланганлик коэффициентида келиб чиқиб, транспорт оқими ҳолати, йўл ва ҳаво-иқлим шароитларининг автомобиллар ҳаракат шароитига биргаликдаги таъсири кўрсаткичи ($P_{х.ш.}$ коэффициенти) бўйича республика ҳудуди туманлаштирилди ва бунда минтақалар ва туманлар чегаралари қуйидаги график асосида аниқланди (8-расм).

Республика бўйича транспорт оқими, йўл ва ҳаво-иқлим шароитларининг автомобиллар ҳаракат шароитига биргаликдаги таъсири кўрсаткичи асосида республика ҳудуди туманлаштирилиб 4 та минтақа ва 9 та туманга бўлинди (9-расм).

Тадқиқотлар натижасида ҳаракат шароити бўйича туман коэффициентлари киритилди (2-жадвал).



✧ - бир хил шaroитдаги туман чегараси; ★ - бир хил шaroитдаги минтақа чегараси.


8-расм. Бир хил шaroитдаги туманлар чегарасини аниқлаш графиги

2-жадвал

Ҳаракат шaroити бўйича туманлар коэффицентлари

Ҳаракат шaroити бўйича минтақалар, туманлар

I		II		III		IV		
Ia	Iб	IIa	IIб	IIIa	IIIб	IVa	IVб	IVт
1,0-1,2	1,21-1,35	1,36-1,44	1,45-1,49	1,50-1,73	1,74-1,87	1,88-2,1	2,11-2,12	2,5




9-расм. Ўзбекистон Республикаси ҳудудини автомобиллар ҳаракат шaroити бўйича туманлаштириш

“Автомобиль йўллари муҳандислигида йўлга оид туманлаштиришнинг методологик асослари” деб номланган тўртинчи бобда йўл-иқлим туманлаштиришни такомиллаштириш, йўл тармоғи салмоғи ва ҳаракат хавфсизлиги бўйича йўлга оид туманлаштириш методи, автомобиль йўллари таъмирлаш ва сақлаш ишларни самарали ташкил этиш мақсадида ва автомобиль йўллари кўкаламзорлаштириш бўйича йўлга оид туманлаштиришнинг методологик асослари тадқиқ қилинган.

Республикани мавжуд йўл-иқлим туманлаштириш автомобиль йўллари лойиҳалаш ишончилигини, куриш ва эксплуатация қилиш сифатини таъминлаш талабларини қониқтирмайди. Хусусан, III ва IV йўл-иқлим минтақалари, яъни тоғли ва суғориладиган ҳудудларга аниқлик киритиш талаб этилади.

Республика ҳудудини йўл-иқлим туманлаштиришга аниқлик киритиш мақсадида йўл пойи грунтларининг ҳудудий фарқланиши ва йўл пойи грунтининг ҳисобий ўртача намлиги манбасидан, ёғингарчиликлар умумий миқдори ва давомийлиги, ёмғир ёғадиган кунлар сони бўйича маълумотлар ва тадқиқот натижалари асосида йўл-иқлим туманлаштиришга аниқлик киритилди ва харитаси ишлаб чиқилди (10-расм).

Бунда III-минтақа чегараларига аниқлик киритилганда тоғли ҳудудлардан ташқари тоғ олди суғориладиган ҳудудларга чегарадош ҳудудларни жойлашиши ва бу ҳудудларда йўл пойини баҳорги ҳисобий даврда етарлича намланиши, ёмғир ёғиш давомийлиги ва ёғингарчиликлар умумий миқдоридан келиб чиқиб, қоплама юзасининг энг кам кўтарилиш қийматларига ўзгартириш киритилди.



10-расм. Ўзбекистон Республикаси ҳудудини йўл-иқлим туманлаштириш

Автомобиль йўллари тармоғининг салмоқдорлиги ва автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлиги масалаларига комплекс ёндашилди.

Ҳисобий тезликнинг таъминланганлик коэффициенти орқали баҳолаш формуласидан фойдаланган ҳолда ҳамда нисбий ҳалокатлилик кўрсаткичи асосида ҳудуднинг йўл тармоғи салмоғини ва ҳаракат хавфсизлигини ҳисобга олувчи кўрсаткич формуласи тузилди:


$$P_{\text{ис.хх}} = (1 - K_{\text{х.м.м}}) / K_S * K_{\text{умх}} \quad (7)$$

бунда $P_{\text{ис.хх}}$ – ҳудуднинг йўл тармоғи салмоғи ва ҳаракат хавфсизлигини ҳисобга олувчи кўрсаткич; $K_{\text{х.м.м}}$ – йўлда ҳисобий тезликнинг таъминланганлик коэффициенти; K_S – йўл тармоғи салмоқдорлик коэффициенти; $K_{\text{умх}}$ – нисбий ҳалокатлилик кўрсаткичи, йтх/100 автомобиль.

$$K_{\text{умх}} = (K * A) / B \quad (8)$$

бунда $K_{\text{умх}}$ - нисбий кўрсаткич; A – ЙТХ сони, B – транспорт воситалари сони; K – масштабли коэффицент, ЙТХ сонининг 100 та транспорт воситасига тўғри келадиган ҳисоби олинди.

Тадқиқот ишлари натижасида республика йўл тармоғи салмоқдорлиги ва ҳаракат хавфсизлигини ҳисобга олувчи кўрсаткич $P_{\text{ис.хх}}$ қиймати ҳисоблаб топилди. Тадқиқотлар натижасида $P_{\text{ис.хх}}$ кўрсаткич қийматлари асосида республика ҳудуди йўлга оид туманлаштирилди (11-расм).




11-расм. Ўзбекистон Республикаси ҳудудини йўл тармоғининг салмоқдорлик коэффициенти ва ҳаракат хавфсизлиги бўйича туманлаштириш

Автомобиль йўллари сақлаш ишларини режалаштириш ва самарали ташкил қилиш учун ҳаво-иқлим омилларини ҳисобга олиш, хусусан йил мавсумий даврлари муҳим ҳисобланади. Тадқиқотлар натижасида тўпланган

маълумотларни тизимлаштириш йил мавсумий даврлари давомийлигини аниқлаш имкониятини берди. Автомобиль йўллари баҳорги (ҳаво ҳарорати +5 °C дан +20 °C гача), ёзги (+20 °C дан юқори), кузги (+20 °C дан +5 °C гача) ва қишки (+5 °C дан паст) сақлаш мавсумлари бўладиган даврлар аниқланди.

